# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 48 (9.698) 2002 йил 26 апрель, жума ◆ Сотувда эркин нархда

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фарғонада спорт ва ёшлик байрами — «Умид ниҳоллари» мусобақалари бошланиши муносабати билан унинг қатнашчиларига самимий табрик йўллади.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ўткир Толипович Комилов Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўткир Толипович Комилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ботир Асадиллаевич Ходжаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси вазифасидан озод қилинди.

● «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трестининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

● Вазирлар Маҳкамасининг бўлиб ўтган мажлисида 2002 йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 14 февралида бўлиб ўтган Ҳукумат мажлисидаги «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз» маърузасида белгилаб берилган биринчи навбатдаги вазифаларнинг бажарилиши таҳлил қилинди.

● **Кеча** Олий Мажлис қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг назорати амалиёти билан боғлиқ масала муҳокама қилинди.

● **Кеча** ТРАСЕКА Ҳукуматлараро комиссиясининг иккинчи анжумани ниҳоясига етди. Иштирокчилар ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, келгусидаги режаларни белгилаб олдилар.

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуи билан ҳамкорликда таълим муассасаларида масофавий ўқитиш усулидаги янги педагогик технологиянинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

● Илгари хабар қилинганидек Ашгабадда Каспийбўйи мамлакатларининг бўлиб ўтган илк саммити **кеча** ниҳоясига етди. Бироқ Россия, Эрон, Қозоғистон, Озарбайжон ва Туркманистон раҳбарлари учрашув якунларига кўра Декларацияни имзоламадилар.

● **Кеча** Бойқўнғир космодромидан Жанубий Африка Республикаси фуқароси Марк Шарттлуорт фазога учди. У 2001 йил 21 майда коинот кенгликларига саёҳат қилган Америка фуқароси Деннис Титодан кейинги иккинчи фазогир -сайёҳ бўлиб қолади.

● Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес Европа Иттифоқи ваколатхонаси ҳайъатини Рамаллоҳга, аниқроғи Ёсир Арафот резиденциясига ташриф буюришини ва Фаластин раҳбари билан ҳайъат аъзолари ҳам расмий учрашишларини таклиф этди.

● Деҳлида Хитой ва Ҳиндистон ҳукуматлари вакиллари ўртасида терроризмга қарши кураш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Испания полицияси «Ал-Қоида» экстремистик гуруҳи билан молиявий алоқада бўлганликда гумон қилинаётган яна бир кишини асирга олди.

● Ирландия ҳукумати мамлакатда ўтказиладиган навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказилиш кунини расман эълон қилди. Сайловлар шу йилнинг 17 майида ўтказилади.

● Горький автомобиль заводи ва Италиянинг Fiat концерни таркибига кирувчи Iveco компаниялари ҳамкорликда янги юк машинаси ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона очишга киришишди.

● АҚШ Федерал кучлари томонидан Вашингтондаги учта аэропортнинг 100 дан зиёд хизматчилари ҳибсга олинган. Улар қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш ва яна бир қатор ҳуқуқбузарликлар содир этишда гумон қилинмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

### Янгиликлар, воқеалар

☑ **БУНЁДКОРЛИК**



# ТЕЗ ВА СОЗ

**Пойтахтимизнинг тобора яшнаб ва яшариб боришида муҳташам иморатлар, замонавий турар жой биноларини бунёд этиб, қурилишни ҳақиқий мардлар майдонига айлантираётган, ёзнинг саратони, қишнинг қаҳратонини ҳам писанд қилмай меҳнат қилаётган толмас қўлли бунёдкорларнинг ҳиссалари беқиёсдир.**

Ўтган йилда шаҳримизда умумий майдони 257 минг квадрат метрдан ортиқ кўркам турар жой бинолари қад ростлаб, янги-янги мавзелар янада гўзаллашган, уларда юзлаб бахтиёр оилалар яшаётган бўлса, жорий йилда ҳам кўплаб кўп қаватли бинолар хонадонлар аҳлини ўз бағрига олиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда пойтахтимизнинг Элбек, Нукус, Мовароуннаҳр, Мухбир, Генерал Узоқов, Ҳувайдо, А. Темур, Фарғона йўли кўчаларида қурилаётган кўп қаватли кўркам бинолар ҳам ҳадемай фойдаланишга топширилиб, шаҳримиз чиройини янада гўзаллаштириши, шубҳасиз.

Шуниси қувонарлики, бугунги кунда қурилаётган уйлар нафақат ташқи кўриниши, балки ички шинамлиги, хоналари кенглиги, барча қулайликларга эгалиги билан яшовчиларни мамнун этмоқда. Бу борада, албатта, лойиҳачи ҳамда бунёдкорларнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Улар бой тажриба ва маҳоратларини сарфлаб уйларни тез ва соз қуришга ҳаракат қилишмоқда.

Шаҳримизнинг Нукус — Мовароуннаҳр кўчасидаги 7-қаватли 30 хонадонга мўлжалланган 3 та турар жой биноси мажмуасини тиклаётган «КАРДО» қурилиш фирмаси бунёдкорларининг ҳам айни кунларда ғайратлари баланд. Барча ҳунар эгалари жамланган ушбу фирманинг 100 нафар бунёдкори уйларни сифатли қуришда жонбозлик кўрсатмоқда. Улар орасида илғорлар кўплаб топилади. Сиз суратда кўриб турган электр пайвандчи Равшан Шарипов ҳам ўз касбининг устаси. У ўзига топширилган вазифани ҳамиша вақтида уддалайди, қурилишда муносиб ўрни бор. Қурилаётган уйларнинг ташқи кўркамлигидан кўзингиз яшнаган ҳолда (суратда) уларнинг ҳадемай яшовчиларни ўз бағрига олишидан қувонасиз. Уни қуришда жонбозлик кўрсатаётганлар меҳнатига тасаннолар айтасиз.

**Дилноза ҒИЁСОВА**
**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2002»

# Мусобақалар бошланди

**Илгари хабар берганимиздек, Фарғона шаҳрида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бошланди.**

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ёш авлодни жисмоний тарбиялаш, оммавий тарзда спортга жалб этиш масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Дастурга мувофиқ мамлакатимиз таълим тизимида мунтазам ўтказиладиган уч босқичдан иборат оммавий спорт мусобақалари ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан, ўтган икки йил давомида олий ўқув юртлари талабаларининг универсиадаси, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари катта муваффақият билан ўтказилди. Энди навбат умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг спорт ўйинларига келди.

**ЎТГАН КУНИ**

Фарғона шаҳридаги марказий стадионда 20 минг томошабин иштирокида «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев ўқиб эшиттирди. Стадион узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, Давлатимиз байроғи ҳамда «Умид ниҳоллари» мусобақа байроғи кўтарилгач, спорт ўйинлари иштирокчилари тантанали қасамёд қабул қилдилар. Сўнг мусобақалар машъаласи ёқилди.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов иштирок этди.

**КЕЧА**

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган энг кучли мактаб ўқувчилари спортнинг ўн бир тури бўйича беллашувларни бошлаб юбордилар. Чунончи, ёш футболчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда Тошлоқ туманидаги стадионда баҳслашаётган бўлсалар, волейболчилар Марғилон қурилиш коллежи ва 2-болалар спорт маркази залларида ўзаро куч синашишмоқда. Қиргули Солиқ коллежи залларида эса ўзбек кураши ва белбоғли кураш усталари дастлабки учрашувларни бошлашди. Шунингдек, сузувчилар ва ёш баскетболчилар ҳам баҳс юритишди.

Шуни таъкидлаш керакки, мусобақаларнинг матбуот марказида рўйхатдан ўтган 100 дан ортиқ журналистларнинг фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ҚИСҚА сатрларда

❐ **АКМАЛ** Икромов туман ҳокимлигида фаоллар, тадбиркорлар ва туман ҳудудидаги банклар раҳбарлари иштирокида ўтказилган тадбир кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласига бағишланди.

❐ **ШАҲРИМИЗГА** Италиядан ёнғиндан сақланиш учун зарур бўладиган техник жиҳозлар келтирилди.

❐ **ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР** маданият саройида санъат ихлосмандлари иштирокида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Аҳад Ҳамидов хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

❐ **ТУРКМАН** миллий-маданий маркази ташаббуси билан Республика Байналмилал маданият марказида уюштирилган кўргазмада ёш ўзбек ва туркман рассомларининг асарлари намойиш этилди.

❐ **ШАҲРИМИЗДАГИ** 5-юқумли касалликлар шифохонасида 5 нафар ҳамшира иштирокида «Ҳамшира — 2002» кўрик-танлови ўтказилди.

❐ **«ТОШКЕНТ** трактор заводи» Давлат акциядорлик жамиятида 14 хил мини-тракторлар ишлаб чиқарилмоқда. Шу кунгача эса 350 га яқин мини-тракторлар ишлаб чиқарилган мазкур корхонанинг 2500 та ана шу маҳсулоти Хитойга юбориладиган бўлди.

❐ **«БУЮК** ипак йўли» метро бекати ёнида Республика Бизнес банкининг аҳолига тезкор хизмат кўрсатувчи маркази иш бошлади.

❐ **ШАҲРИМИЗДА** «Осиё» тараққиёт банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

❐ **РЕСПУБЛИКА** Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтида репродуктив саломатлик маркази иш бошлади.

# ИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг саҳифаси

**МУСОҲАБА**



# Мақсадларимиз муштарак

**Шаҳримиздаги мавжуд ўн битта туманда фаолият юритаётган меҳнат бўлимлари аҳолини иш билан таъминлаш билан бирга кўп болали оналар, кам таъминланган оилалар, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва жазо муддатини ўтаб қайтганлар ҳаётини изга солиш борасида ҳам талай ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Биз Акмал Икромов тумани меҳнат бўлими раҳбари Абдураҳмон КОМИЛОВдан бўлимнинг айни кунларда олиб бораётган ишлари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилдик.**

— Биз тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан доимий мулоқотни йўлга қўйганмиз. Улар ҳар ойда ўзларидаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумот берадилар. Аҳоли билан мунтазам иш олиб боришимиз ўз самарасини бермоқда. 2002 йилнинг биринчи чораги бўйича якунларга назар ташлайдиган бўлсак бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Меҳнат бўлимимизга мурожаат қилган фуқаролар 601 та, меҳнат бўлими рўйхатидан ўтганлар 560 та, ишга жойлаштирилганлар эса 428 тани ташкил этади. Шунингдек, қисқа муддатли жамоат ишларига ҳам фуқароларни жалб этяпмиз. Йил бошидан бери 36 та фуқаро мана шундай ишга жойланди.

Бўлимимизда ҳар ой Ўқув маркази орқали турли касблар бўйича фуқаролар янги касбларга ўқитилади. Шу кунгача 32 киши маслаҳат сўраб мурожаат этган бўлса улардан 28 киши шаҳар ўқув маркази рўйхатидан ўтиб ўқишга юборилди. Йил бошидан буён 100 киши ўқув марказига йўлланма олди. Улар турли соҳа мутахассислари: ҳисобчи, ЭҲМ операторлари, сартарошлик, стенографчи, тикувчи ва яна бир қатор касблар сирини ўрганмоқдалар.

**— Меҳнат бўлими аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам фаолият олиб борадими?**

— Албатта. Биз аҳолини фақат иш билан таъминлабгина қолмай, уларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида аҳамият берамиз. Бунда энг аввало маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда аҳолининг ижтимоий аҳволини ўрганамиз. Шу тариқа моддий ёрдам, нафақа пули кимларга берилиши аниқланади. Шу кунгача 608 та оилага 8055,2 минг сўмлик моддий ёрдам, 3955 оилага эса 49758,9 минг сўмлик болалар нафақаси тўланди.

**— Қўшимча иш ўринлари ташкил этиш масаласида қандай ишлар олиб борилаяпти?**

— Туманимизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда имкон даражасида янги иш жойлари яратилмоқда. Жумладан, тумандаги янги очилган «Чевар» ёпиқ турдаги ишлаб чиқариш тижорат ҳиссадорлик концерни ҳамда «Шайхонтоҳур текстиль» қўшма корхоналарида 546 та иш жойлари ташкил қилиниб, йил бошида иш жойлари 929 тани ташкил этди.

Мурожаат қилган фуқароларни иш ёки ўқишга жойлаштиришнинг иложи бўлмаган тақдирда уларга ишсизлик мақоми берилиб нафақа тўланади. Пенсия ёшига етиб қолганларга эса қонун асосида муддатидан илгари пенсия тўланади. Бундан ташқари туман ҳокимлигининг қарори асосида махсус иш жойлари (квота) ажратилиб, бу жойларга мунтазам равишда фуқаролар ишга жойлаштирилиб борилади.

Мана бир неча йилдирки меҳнат бўлимимиз ишчи-хизматчилар маошининг ҳам ўз вақтида тўланиши бўйича назорат олиб бормоқда. Вақтида берилмаган маош учун эртага жарима тўлашлари мумкинлигини корхона мутасаддилари ҳам тушуниб қолдилар.

**— Маҳаллалар билан ҳамкорлик масаласи қандай йўлга қўйилган?**

— Туманимиздаги мавжуд 50 та маҳалла билан яқин ҳамкор, ҳамфикрликда иш олиб боряпмиз. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ҳар бир маҳалла фуқаросини жуда яхши биладилар, ўқийдими, ишлайдими, бекорчи бўлса унинг сабаблари нимада — ҳаммасидан хабардор бўладилар. Биз ҳам шундан келиб чиққан ҳолда иш олиб боряпмиз. Маҳаллалар билан ишлаш бўлими ва унинг инспекторлари мавжуд. Айниқса маҳалла гузарларида маҳалла посбони, хотин-қизлар хонаси, маиший хизмат хоналарининг ишлаб туриши ишимизнинг янада ривожланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ишимиз жараёнини кузатар эканман, меҳнат бўлимимиз олиб бораётган ишлар тобора унумли бўлаётганини ва аҳоли ўртасида анча ишончли ҳамкорга айланганимизни сезаман. «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинган жорий йилда жамоамиз билан янада яхшироқ ва унумлироқ ишларни амалга оширишни режалаб қўйганмиз ва насиб этса кўзланган мақсадларга албатта етишимизга ишонаман.

Дарҳақиқат, туман меҳнат бўлими ходимлари ва маҳаллаларга бириктирилган инспекторлар доимий равишда жойларда, одамлар орасида бўлиб, иш билан банд бўлиш, қайта ўқиш ва қўшимча касб-ҳунар ўрганиш, ижтимоий ҳимоя масалалари, ҳуқуқшунослар маслаҳатини бериш, болалар ва бошқа нафақа пулларини олиш борасидаги маслаҳатлари билан ўртоқлашадилар, уларга ўз маслаҳатларини берадилар ва оила мустаҳкамлиги учун ўз ҳиссаларини қўшадилар. Оила мустаҳкамлиги эса жамият таянчидир.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**
**сухбатлашди.**

**СУРАТЛАРДА: Меҳнат бўлимининг иш фаолиятидан лавҳалар.**



**САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН**

# Умумий фаолиятга қўшиладими?

***Хурматли таҳририят ходимлари. Бир савол бизни қизиқтирмоқда. Чет элда ишлаган вақтни умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобласа бўладими? Агар шундай бўлса унинг қоида ва шартларини тушунтириб берсангиз.***

**Нодира УМАРОВА.**

Чет элда ишланган даврлар Ижтимоий суғурта жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битим) асосида чет элда ишлаганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар меҳнат дафтарчасига киритган қайдномаларга қараб аниқланади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иши Ўзбекистон Республикасида ишланганига тўғри келадиган стажнинг 1/3 қисмидан ошмаган миқдорда, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, стажга қўшилади.

**ЯРМАРКАЛАР**

# Иш натижаси билан чиройли

*Шаҳримизнинг барча туманларидаги меҳнат биржалари ишсизларни аниқлаш ва рўйхатга олиш, уларни касбий ихтисосларига қараб ишга жойлаштириш юмушлари билан фаол шуғулланиб келади. Хусусан улар туман ҳудудларидаги корхона ва муассасаларда иш ўринларининг бўшаб қолиши, янгиларининг ташкил этилишини кузатиб бориб, рўйхатда турганларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратадилар.*

Бектемир туман ҳокимлиги ва туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан марказий маданият уйи майдончасида «Бўш иш жойлари» меҳнат ярмаркаси ҳам ана шундай хайрли мақсадни кўзлаб ташкил этилди. Эрта тонгданоқ бу ерда бўш иш ўринлари мавжуд бўлган 28 та кичик ва ўрта корхоналар вакиллари жамланишди. Шунингдек, тадбирда тумандаги иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ёшлар, маҳаллалар оқсоқоллари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этишди. Улар ярмаркага ташриф буюрган ҳар бир қатнашчига ўзларининг фаолиятлари ҳақида сўзлаб, керакли маслаҳатлар беришди.

Ярмаркада тумандаги «Иргидромаш» заводи, «Сувмаш» акционерлик жамияти, «Нерудник» ҳиссадорлик жамияти, «ТошАТЭК» ва «Интранс» каби йирик корхоналар иштирок этиб, улар фақат бўш иш ўринлари ҳақида маълумот беригина қолмай балки, ўзларидаги иш шароитлари, имконият ва истиқболлари ҳақида тушунтириб ўтишди.

— Назаримда амалга оширилган ҳар бир ишнинг натижасига қараб унга баҳо бериш мумкин. Айнан натижанинг қандай бўлганлигига қараб, қилган ишларингиздан мамнун бўласиз, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари Мансур Толибов. — Албатта, бўлиб ўтган ярмаркада ҳам ким ўзига муносиб иш топган бўлса бундан биз хурсандмиз. Умуман, бугунги тадбирга 297 та бўш иш ўринлари ҳавола этилган бўлса, унда 700 нафардан зиёд аҳоли иштирок этди. Шулардан 553 нафари маслаҳат олган бўлса, 55 нафари иш сўраб мурожаат этиб, 27 нафарига йўлланмалар берилди. Бу албатта бир кунда ўтказилган тадбиримизнинг натижаси, аммо бизнинг эшикларимиз иш сўраб келганлар учун ҳамиша очиқ.

**Очил ҲАЗРАТОВ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Молу-дунёнинг хайрлиси — ҳалол меҳнатдан ҳосил бўлиб, эзгуликка сарф қилинганидир.

● Шошқалоқлик — пушаймонликнинг синглиси, иккиси бир-биридан айрилмайди.

● Ҳар ишда эҳтиётлик билан ҳаракат қилиш — шодлик гаровидир.

● Арасту Ҳаким Искандар Зулқарнайн билан видолашаркан, унга насиҳат қилиб, айтди:

— Эй Искандар, ҳунармандларни иззат-ҳурмат қил, уларнинг ҳунарлари яна ҳам такомиллашсин. Оқил, донолардан алоқангни узма, ёмон ниятли, ярамас одамлардан ўзингни четлаштир, шараф ва обрўинг яна ҳам юқорилашини истасанг, илму-ҳикмат ўрганишдан ор-номус қилма, фазл-камолотнинг насиҳатларига илтифотсизлик билан қарама. Ҳар ким камчилигингни айтиб, сени огоҳлантирса, уни дўст деб бил, чунки у сенинг қоронғиликдан ёруғликка чиқишингни истайди. Бахт, иқбол секинлик билан, бахтсизлик эса суръат ила ҳаракат қилади, чунки иқбол паст жойдан юқорига чиқишга, бахтсизлик карвондан пастга тушишга ўхшайди.

Байт:

**Сўзда Навоий не десанг, ин дегил,**
**Рост наво нағмага таҳсин дегил.**
**Ростдур улким назари тўғридир,**
**Ким илиги эгридур — ўғри эрур.**

● Сукрот ҳаким айтади:

— Икки нарсани ислоҳга келтириш жуда қийин: қариндош-уруғларнинг бир-бирларига бўлган адоватларини ва қўшниларнинг ҳасадини.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб шундай дейди:

— Ўғлим, ғайрат ва матонатни чумолилардан ўрган ва улардан ибрат ол. Чумолилар ёз бўйи ишлаб, меҳнат қилиб, қиш учун озиқ-овқат тўплайдилар. Сен ҳам ёшлигингни ғанимат бил, ишла, қариганингда роҳатини кўрасан.

● Жалолиддин Румий айтади:

— Ақл ва тажрибаси ҳали етарлик даражада ўсмаган ва жисмоний қуввати кам бўлган одам бир ишга киришиб ҳаддидан ошса, натижада паришон аҳволга тушади. Ёши ва тажрибаси ошгандан кейин юқори ишларда бўлса зарар эмас, фойда ҳосил қилади. Муҳим ишларда ҳамиша оқил ва тажрибакор одамлар билан маслаҳатлашиб туриш албатта лозимдир.

● Шайх Басоий айтади:

— Лаззатнинг тўрт мартабаси бор.

Биринчи мартаба — одамнинг ёш болалик даври. Бу мартаба даврида болада бир қувват ҳосил бўладики, бунинг таъсири билан бола ўйинга машғул бўлади, ўйин ўйнашдан лаззат олади, ундан яхшироқ лаззатни билмайди.

Иккинчи мартаба — йигитлик даври. Бу даврда йигит ўзида зоҳир бўлган қувват таъсири билан ўзига оро беришга, яхши либослар кийишга, турли томоша ўйинларига боришга интилади. Умуман, кайф-сафо қилишдан лаззат олади.

Учинчи мартаба — йигитликнинг сўнгги ва ўрта ёшлик мартабаси. Одам бу даврда оиласини таъмин этиш, уй-жойларини тузатиш, яхши иморатлар қуриш, саёҳат қилиш, ошна-оғайниларни кўпайтиришга кўпроқ ҳаракат қилади. Шулардан лаззатланади.

Тўртинчи мартаба — одам обрў орттиришга, невара-чеваралари билан фахрланишга бошлайди, шулардан лаззатланади. Бу лаззат одамнинг энг кейинги лаззатидир.

Ота-она лаззатнинг биринчи ва иккинчи мартабаси даврида фарзандларининг юриш-туришларига, тарбиясига, одоб-ахлоқига диққат қилишлари, уларни ўз назоратлари остида тутишлари лозимдир. Лаззатнинг бу икки мартабаси даврида фарзанд тарбиясига яхши эътибор бермаган ота-она кейин пушаймон ейдилар.

БАЙТ:

**Кишиким насиҳатга солмас қулоқ,**
**Надомат бирла тишлагай илгини.**

● Бир донишманддан: «Бировнинг ақлли одам эканини унинг қайси ишидан билиш мумкин?» — деб сўрадилар.

Донишманд айтди:

— Уч хислатнинг биттаси билан билиш мумкин: ё унинг элчиси билан, ёки ёзган хати билан, ёхуд юборган совғаси билан, чунки элчи — унинг ўзи демакдир, хати — унинг нутқи, сўзини, совғаси эса ҳимматини кўрсатади.

● Қадимги араб халифаларидан Хорунаррашид янги бир сарой бино қилмоқ бўлади. Шу саройнинг ўртасига тўғри бир устун қўйиш керак бўлиб қолди. Хорунаррашиднинг буйруғи билан шундай тўғри устунни қидириб-қидириб, ниҳоят Бағдод шаҳрига яқин бир қишлоқдан топдилар. Уни Бағдодга келтирдилар. Хорунаррашид ўзининг амалдорлари билан бирга устунни кўриш учун у қўйилган майдонга келди. Томошабинлар орасида донишманд Баҳлул доно ҳам бор эди. У майдонда турганлар орасини ёриб чиқиб, устун ёнига келди. Устунга қулоғини тутиб, унга пичирлаб бир неча сўз айтди.

Халифа унинг қилиғидан таажжубланиб, бунинг сабабини сўради. Баҳлул доно шундай деди:

— Мен устундан: «Сен бир ёғочсан, нега бунча иззат ва ҳурматга лойиқ бўлдинг? Ҳатто халифа ҳам сенга пешвоз чиқиб, кўргани келди», — деган эдим, устун шундай жавоб берди:

— Мен эгри бўлмадим, тўппа-тўғри ўсдим, тўғрилигим шундай иззат-ҳурматга сабаб бўлди. Эгри бўлсам эдим, ўтин қилиб ёқардилар.

Байт:

**Эгриликдан бўл йироқ,**
**қил тўғриликни ихтиёр,**
**Тўғри бўлсанг, эй ўғил,**
**бахту саодат сенга ёр.**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

Муҳаммад Авфий

# Жавомиъ ул-ҳикоёт

### АХЛОҚ ҲАҚИДА

Бир куни амир Алининг олдига бир мўйсафид келиб: «Ё амир, қариб қолдим, кун ўтказиш машаққатли бўлиб қолди. Тирикчиликдан ҳеч бир роҳат тополмаяпман. Менга панду насиҳат қилсанг, шояд сенинг насиҳатинг туфайли Худойи таоло менинг ишларимни яхши йўлга бошласа», деди.

Амир Али мўйсафидга хитоб қилди: «Э шайх, агар эсда тутувчи бўлсанг, икки нарсани эсдан чиқар: халқ учун қилган яхшилигингни, биров сенга қилган ёмонликни».

«Мардлик ва одамийлик ҳақида бирор сўз айтгин», деди мўйсафид.

«Одамийлик улдирки, миннат юкига бардош беролса, мардлик улдирки, қўлидан келадиган ишни ўзгадан дариғ тутмаса», деди.

«Ё амир, — деди мўйсафид, — ҳамма вақт мўмин ва мусулмон бўлмоқлик ҳақида бирор сўз десанг...»

«Киши айбини қидирмаслик мусулмонликдир. Ёмон сўзларни гапирмаслик мўминликдир. Агар билсанг, барча яхши ахлоқни ушбу жумлаларда баён қилдим. Ушбу айтган сўзларимни ёдингда тутиб, шунга амал қилсанг, шубҳасиз, яхши ахлоқ эгаси бўласан», деди амир.

### БЕҲРЎЗ ВА РЎЗБЕҲ

Ўтган замонда Жавҳарий номли бир киши бўлган экан. У жавоҳирларни билишда етук устод ва жавоҳирот илмида маҳорат пайдо қилган эди.

Иттифоқо, вилоят подшоларидан бири ўз мамлакатида бўлган жавоҳирларни саралаш ва хазинага лойиғини ажратиб, қолганини харж қилиш мақсадида Жавҳарийни ўз вилоятига таклиф қилди. Жавҳарий сафар тараддудига тушди. Унинг хотини ҳомиладор эди. Бинобарин, сафар олдидан хотинига: «Агар ҳомиланг етиб, ўғил туғсанг, номини Рўзбеҳ деб атагин. Агар қиз туғсанг, ўзинг муносиб кўрган номни қўярсан», деб жўнаб кетди.

Бир неча муддатдан сўнг унинг хотини икки ўғил туғди. Бирининг номини Рўзбеҳ қўйди, иккинчисини Беҳрўз деб атади.

Жавҳарий подшоҳнинг хизматида бир йил қолиб кетди. Хотини эса болаларининг аҳволи ва тирикчилиги ҳақида Жавҳарийга хат ёзиб турди. Жавҳарийнинг қалбида хотин, бола-чақасини кўриш иштиёқи кундан кунга ортиб борарди. Бир йилдан сўнг подшоҳдан ижозат сўради. Жавҳарийга жавобан подшоҳ шундай деди: «Сенга ижозат бермайман, албатта. Аммо бирор ишончли одамни юбориб, хотин ва болаларингни шу ерга олиб кел». Яна бир оз сабр қилай, деб ўйлади Жавҳарий.

Яна бир йил ўтгач, ижозат сўради, аммо ижозат бўлмади. Шундай қилиб, олти-етти йил ўша ерда қолиб кетди. Бу вақтда унинг фарзандлари ўсиб, хат ёзиш, Қуръон ўқишни ўрганиб, ахлоқ-одоб илмидан сабоқ олдилар. Жавҳарийнинг юрагида ўз фарзандларини кўриш орзуси ниҳоятда туғён урган эди. Бироқ подшоҳдан ижозат ололмасди. Ниҳоят, зарурат юзасидан хотини ва болаларини олиб келиш учун одам юборди.

Хотини ва болалари сафар тараддудини кўриб йўлга чиқдилар. Ниҳоят, улар Жавҳарий истиқомат қилаётган шаҳарга яқинлашдилар. Шаҳар ташқарисидан катта анҳор ўтар эди. Жавҳарийнинг хотини ва болалари ўша анҳор ёқасига тушдилар ва ўзларининг келганлари ҳақида Жавҳарийга хабар бердилар.

Жавҳарий отга миниб, фарзандларининг истиқболига чиқиб, анҳор лабига келди. Унинг фарзандлари томоша мақсадида анҳор лабига келиб, бир-бирлари билан ўйнашмоқда эдилар. Жавҳарий уларни кўрмаганлиги сабабли, улар ўз фарзандлари эканини билмасди. Жавҳарий таҳорат қилиб, бошқа жойга ўтиб, намозга машғул бўлди. Намоз асносида бир бўлак олтинни анҳор лабида қолдириб келгани эсига тушди. Дарҳол мазкур жойга қайтиб борди ва олтинни қидира бошлади, аммо топмади. Кўзи ўйнаб юрган гўдакларга тушди ва улардан сўради: «Мен бу ерга бир бўлак олтин қўйиган эдим, мабодо сизлар олмадингларми?»

«Биз кўрмадик» деб жавоб берди болалар. Сув бўйида сизлардан бошқа ҳеч ким йўқ, олтинни топиб беринглар, бўлмаса азоб-уқубатга гирифтор қиламан», деди Жавҳарий.

Гўдаклар ҳайрон бўлиб Жавҳарийга тикилиб турардилар. Жавҳарий жаҳли тез одам эди. У ҳар иккала болани анҳорга ташлади.

Биз оздан сўнг болаларининг онасининг овози келди: «Эй менинг Рўзбеҳим ва Беҳрўзим, қаёқдасизлар ахир, бу ёққа келинглар!»

Жавҳарий хотинини овозидан таниб, отини унинг томонига бурди, отдан тушиб хотинини қучоғига олди ва фарзандларини сўради. Анҳор бўйини томоша қилгани кетганлар, деб жавоб берди хотини. Жавҳарий фарзандларининг белгиларини сўраб билгач, ёқасини йиртиб дод-фарёд қила бошлади.

Фарзандларининг фироқида бирор соат йиғлагач, Жавҳарий, менинг ҳаётим фарзандларим туфайли хуш эди, уларни ўзим нобуд қилдим. Энди бу вилоятдан кетишим лозим, деди.

Шундан сўнг, Жавҳарий ўша ернинг ўзидан бошқа шаҳарга қараб равона бўлди.

Иттифоқо, сув гўдакларни бир-биридан ажратиб, бирини бошқа қирғоққа, иккинчисини яна бошқа қирғоққа чиқариб ташлаган эди. Мазкур қирғоқ бўйига қўшни мамлакатнинг подшоҳи шикорга келган эди. У ерда хушсурат гўдакни кўриб, ундан сўради: «Сен кимсан?»

Гўдак ўз аҳволини подшоҳга баён қилди. Гўдакка подшоҳнинг раҳми келди ва ундан сўради: «Сенинг исминг недур?»

«Исмим Беҳрўздир», деди бола.

Подшоҳ Беҳрўзни ўзига ўғилликка қабул қилиб, уни ўзи билан бирга саройга олиб кетди.

Рўзбеҳни эса қароқчилар жамоаси топиб олдилар ва уни сотиб пулини бўлишиб олишга қарор қилдилар. Қароқчилар Рўзбеҳни шаҳарга олиб келдилар.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Бошқотирма

**Азиз оқшомхон! Таърифларига кўра топиб шаклга тўрт ҳарфли сўзларнинг учинчи ҳарфини айланага ёзинг.**

**Ёйлар бўйича ўнгга:** 1. Йирик йиртқич ҳайвон. 2. Қадимги шарқ мамлакатлари давлати қароргоҳи (2). 3. Болтиқ бўйидаги республика пойтахти. 4. Пўлат ҳосил қилинадиган қотишма, металл. 5. (3). Зидан тўп сураётган футбол командаси (4). 6. Дунё қитъаси. 7. Бўёқ модда олинадиган гул (2). 8. Думалоқ жисм катталигини ўлчашда қўлланиладиган 25,4 миллиметрга тенг узунлик ўлчови. 9. Назмий асар ижодкори. 10. Қир, баландлик ер (2). 11. Толе, ишнинг ўнгидан келиши (4).

**Ёйлар бўйича чапга:** 1. Ўрта асрларда асарлар ёзиб қолдирилган тил (4). 2. Ҳўл мева. 3. Қазилма бойлик, саноат ашёси (1). 4. Чинни асбобни таъмирлаш (4). 5. Сариқ рангда очилувчи шифобахш гиёҳ. 6. Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган удум (4). 7. Донни туйишда фойдаланиладиган анжом. 8. Француз адиби «Уч мушкетёр» асари муаллифи (4). 9. Ипак газлама тури (4). 10. Заргарликда ишлатиладиган рангдор қимматбаҳо тош. 11. Халқ достонларини ижро этувчи, ижодкор.

**Муаммонома**

Шакл айланаларидаги рақамларни юқоридаги сўзлар таърифидан сўнг қавс ичидаги тартибдаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Сўнг барча айланалардаги ҳарфларни соат мили йўналишида ўқинг. Бунда улардан шоир Пўлат Мўмин қаламига мансуб фардлардан бирини билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



**Газетанинг шу йил 19 апрель сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

1. Райҳон. 2. Сандон. 3. Жайрон. 4. Тархон. 5. Даврон. 6. Байрон. 7. Нарвон. 8. Патрон. 9. Ҳайрон. 10. Карвон. 11. Дармон. 12. Камрон. 13. Зиндон. 14. Хирмон. 15. Фармон. 16. Дандон. 17. Меҳмон. 18. Кетмон. 19. Лондон. 20. Ботмон.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Элёр. 2. «Халқ». 3. Ноғора. 4. Гиламдўз. 5. Байрут. 6. Себзор. 7. Кеш.

**Ҳикмат:** Сира бахтли ёшлар ғурур этмагай,
Қарилар сўзидан узоқ кетмагай.



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-310. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 12.15 1 2 3 4 5 6

